

Oriental Journal of Education



PROSECUTORIAL OVERSIGHT IN THE INVESTIGATION OF CRIMES INVOLVING THE UNLAWFUL TRAFFICKING OF POTENT SUBSTANCES BY INVESTIGATIVE AUTHORITIES

Elyar Djabbarov
Prosecutor
Konimekh district
Konimex, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: potent substances, illicit trafficking, criminal liability, Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, substance control, legal foundations, investigation process, forensic expertise, promotion and distribution, aggravating circumstances of the crime, prosecutorial oversight.

Received: 25.10.24

Accepted: 27.10.24

Published: 29.10.24

Abstract: The article examines the legal foundations related to the illicit trafficking of potent substances, criminal liability, and its position within the legislation of the Republic of Uzbekistan. It explores the issues of detecting, investigating, and organizing prosecutorial oversight in this area. The historical stages of potent substances, the socially dangerous conditions resulting from their illegal use, and the structure and practical application of Articles 251-1 and 251-2 of the Criminal Code of Uzbekistan, along with the content of amendments introduced to these articles, are discussed. Furthermore, it addresses the unique features in the investigation of crimes related to potent substances, as well as the essential knowledge and skills required for investigators and forensic experts. The article also provides proposals for the legal mechanisms to control potent substances and for the effective investigation of crimes associated with them.

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Элёр Джаббаров
прокурор
Конимех туман
Конимех, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кучли таъсир қилувчи моддалар, ноқонуний муомала, жиноий қилувчи
Аннотация: Мақола кучли таъсир моддаларнинг ноқонуний

жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, моддаларни назорат қилиш, ҳуқуқий асослар, тергов жараёни, суд-экспертиза, реклама ва тарқатиш, жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари, прокурор назорати.

муомаласига оид ҳуқуқий асосларни, жиноий жавобгарликни ва унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўрнини, бу каби жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва соҳада прокурор назоратини ташкил этиш масаласи ўрганилган. Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг тарихий босқичлари, уларнинг ноқонуний қўлланиши оқибатидаги ижтимоий хавfli ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги 251-1 ва 251-2 моддаларнинг тузилиши, уларнинг амалий татбиқи ҳамда уларга киритилган ўзгартиришларнинг мазмунини, кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноятлар тергови жараёнидаги ўзига хос хусусиятлар, терговчи ва суд-экспертлар учун зарур билим ва малака талаблари ҳам кўрсатилган. Мақолада кучли таъсир қилувчи моддаларни назорат қилишнинг ҳуқуқий механизми ва улар билан боғлиқ жиноятларни самарали тергов қилиш бўйича таклифлар тақдим этилган.

ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР ЗА РАССЛЕДОВАНИЕМ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИХ ВЕЩЕСТВ, ПРОВОДИМЫМ СЛЕДСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ

Эльяр Джаббаров

Прокурор

Конимехский район

Конимекс, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сильнодействующие вещества, незаконный оборот, уголовная ответственность, Уголовный кодекс Республики Узбекистан, контроль веществ, правовые основы, процесс расследования, судебная экспертиза, продвижение и распространение, отягчающие обстоятельства преступления, прокурорский надзор.

Аннотация: В статье рассматриваются правовые основы, связанные с незаконным оборотом сильнодействующих веществ, уголовная ответственность и ее место в законодательстве Республики Узбекистан. Изучаются вопросы выявления, расследования и организации прокурорского надзора в данной сфере. Рассматриваются исторические этапы обращения сильнодействующих веществ, социально опасные последствия их незаконного использования, структура и практическое применение статей 251-1 и 251-2 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, а также содержание внесенных в них изменений. Также освещены особенности расследования преступлений, связанных с сильнодействующими веществами, и требования к необходимым знаниям и квалификации следователей и судебных

экспертов. В статье предложены рекомендации по правовым механизмам контроля над сильнодействующими веществами и эффективному расследованию преступлений, связанных с ними.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг тарихи инсониятнинг тиббиёт, кимё, фармацевтика ва гиёҳвандлик билан боғлиқ эволюцияси давомида шаклланган. Ушбу моддалар инсон саломатлигига таъсир кўрсатувчи воситалар сифатида, шунингдек, баъзан белгиланган мақсадлардан ташқари ғараз мақсадларда ҳам фойдаланилган.

Жумладан, инсоният қадимги замонлардан турли ўсимликлар ва минераллар орқали ўзининг психологик ва жисмоний ҳолатини ўзгартириш йўллари топан. Масалан, қадимги мисрликлар опийни оғриқни камайтириш учун ишлатган бўлсалар, ҳинд ва хитойликлар каннабис (марихуана)дан тиббий мақсадларда фойдаланган. Шаманлар ва қадимги табиблар турли ўсимликлардан олган моддаларни руҳий ва жисмоний касалликларни даволаш учун ишлатганлар.

Ўрта асрлар ва илмий тараққиёт (1600-1800) даврида опий жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг ноқонуний савдоси ва кўп истеъмол қилиниши жамиятдаги гиёҳвандликнинг ошишига олиб келган.[1]

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг кимёвий таркиби ҳақидаги илк илмий тадқиқотлар 18 асрда бошланган. Опийдан морфин ажратиб олиниши (1805 йил) ва кейинчалик гиёҳвандликка қарши фаолиятларда ушбу моддадан фойдаланилган.[2]

Илм фаннинг ривожланиб бориши билан биргаликда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг кўплаб турларини кашф қилинишига олиб келди.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг тарихи жуда узоқ ва мураккаб. Улар дастлаб тиббий ёки руҳий ёрдам учун ишлатилган бўлса, кейинчалик ноқонуний муомала ва гиёҳвандликнинг асосий сабабига айланди. Ҳозирда кучли таъсир қилувчи моддаларни назорат қилиш ва уларнинг салбий таъсирларига қарши кураш халқаро ҳуқуқий нормалар ва қонунлар орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигидан сўнг дастлабки Жиноят кодексида (1994 йил 22 сентябрдан ҳозирга қадар) кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни фақатгина қонунга ҳилоф равишда **эгаллаганлик** ҳамда контрабанда йўли билан Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилганлик учун жавобгарлик белгиланган.[3]

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671-П-сон Қонунига асосан Жиноят кодекси янги 251-1-модда билан тўлдирилиб, унда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарлик назарда тутилиб, жиноят предмети ҳисобланган кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар нафақат

гиёҳвандлик воситалари, балки, психотроп моддалар туркумига киритилмаган бўлишлиги, квалификациянинг зарурий шарти сифатида эса бундай моддаларни ўтказиш мақсади кўзланган бўлиши лозимлиги назарда тутилди.[4]

Шу каби, қўшимча равишда бу турдаги моддаларни қайта ишлаш, олиш ёки уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, шунингдек шундай моддаларни олиш қоидаларни бузганлик учун, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланди.

Нормада жиноятнинг оғирлаштирувчи таркиби ва жиноят предметининг миқдор кўрсаткичлари ҳам назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги ЎРҚ-711-сон Қонунига асосан Жиноят кодексининг 251-1-моддаси 1-қисмига тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришга мувофиқ кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун **асбоб-ускуналарни** тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш учун жиний жавобгарлик ҳам белгиланди.[5]

Бироқ, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 05 октябрдаги ЎРҚ-971-сон Қонунига асосан Жиноят кодексининг 251-1-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

Хусусан, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки уларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш учун жавобгарлик белгиланган.

Шу каби, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида ушбу моддаларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳамда жавобгарликка сабаб бўлади.

Аммо, бундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида содир этилган бўлса, белгиланган тартибда жиний жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Шунингдек, қайд этилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилганлиги учун ҳамда оғирлаштирувчи жавобгарлик белгиланган.

Шу каби, ушбу моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш модданинг учинчи қисми сифатида баён қилинган.

Худди шундай ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса модданинг тегишлича тўртинчи ва бешинчи қисмлари билан жавобгарлик тортилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ушбу моддада кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

ЎРҚ-971-сонли Қонун билан Жиноят кодекси янги 251-2-моддаси билан тўлдирилиб, унда кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш жавобгарлик белгиланди.[6]

Мазкур сўнги ўзгартириш киритилишидан олдин кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда ҳамда судда кўриб чиқилиши чоғида амалиётда бир қанча муаммолар вужудга келишига сабаб бўлганлиги боис, 2021 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сон қарори қабул қилинган эди.[7]

Ҳозирда эса ушбу Олий суд Пленуми қарори юридик жиҳатдан эскириб, янги таҳрирда қабул қилинишини талаб этмоқда.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда терговчидан айрим билим ва малакаларни талаб қилади.

Хусусан, кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноят ишини тўғри ва самарали тергов қилиш учун терговчи мазкур жиноят тўғрисидаги маълумотларни тўғри ва тўлиқ тўплаши зарур. Бу, одатда, гувоҳлар, гумондорлар ва жабрланганларни сўроқ қилиш, шунингдек, турли текширув ишларини ўтказишни ўз ичига олади.

Жиноят содир этилган жойни текшириш, далиллар тўплаш ва уларни ҳужжатлаштириш. Бу босқичда терговчилар кучли таъсир қилувчи моддаларни аниқлаш учун махсус лаборатория воситаларидан фойдаланиши муҳим ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноий ҳолат аниқланганида терговчи бўлиб ўтган воқеа жойига чиқганда бир қатор ишларни амалга ошириши зарур.

Дастлаб, терговчи вазиятда келиб чиқиб, воқеа жойини бошқа шахсларнинг ҳаракатларидан ҳимоя қилган ҳолда у ердаги маълумотларни тўплаш учун жойни дахлсиз

сақлаш муҳим. Воқеа юзасидан тушунча олиш, гувоҳлар билан мулоқот қилиш, воқеа жойидаги объектларни ва предметларни синчиковлик билан кўздан кечириш ҳаракатини амалга ошириш лозим.

Воқеа жойидаги аҳамиятли объектларни (масалан, кучли таъсир қилувчи моддалар, ёрдамчи асбоб-ускуналар) ва у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай моддаларни рўйхатга олиши лозим.

Воқеа жойидаги шарт-шароитларни, жойлашувларни визуал аниқлашни, фотосуратга ва видеотасвирга тушириш муҳим.

Кучли таъсир қилувчи моддалар, ёрдамчи асбоб-ускуналар ва бошқа далилларни тўплаш далиллар мақбуллигининг шартлари асосида ва уларни тўғри тўплаш усуллари билан олишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Воқеа жойини кўздан кечириш давомида амалга оширилган барча ҳаракатларни ва олинган далилларни баённомада акс эттириш ҳамда гувоҳлардан олинган маълумотларни ҳам алоҳида қайд этиб ёзиб олиш мақсадга мувофиқ.

Воқеа жойини кўздан кечириш давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш асосий вазифалардан бир ҳисобланади.

Терговчилар кучли таъсир қилувчи моддаларни аниқлаш учун амалиётда қўлланилиб келинаётган махсус лаборатория воситаларидан фойдаланишлари жуда муҳим.

Жумладан:

1. Кимёвий таҳлил усуллари:

а) Газ хроматографияси, моддаларнинг жисмоний ва кимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Суд-экспертиза лабораториясида қон ёки сийдик намуналари газ хроматографияси орқали таҳлил қилинади. Агар шахс наркотик моддалардан фойдаланган бўлса, уларнинг турлари ва концентрацияси ушбу усул ёрдамида аниқланади. Масалан, шахсдан олинган қон намунасида **циклопентолат** ёки **прегабалин** каби кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлса, газ хроматографияси уларни ажратиб беради.[8]

б) Суюқ хроматография, суюқ фазадаги моддаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган.

Суюқ хроматография юқори аниқликда моддаларни ажратиш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бу усул кўплаб соҳаларда, айниқса, фармацевтика, озиқ-овқат, токсикология ва атроф-муҳит таҳлиларида кенг қўлланилади.[9]

в) Масса спектрометрияси, молекулаларнинг масса ва структурасини аниқлаш учун фойдаланилади. Хусусан, ушбу усул ёрдамида моддаларни биологик материалларда аниқлаш имконини беради.[10]

2. Тестлар тўплами: Бу кимёвий моддаларни ёки биологик агентларни тез ва содда йўл билан аниқлаш учун ишлатиладиган махсус жиҳозлар ёки ускуналар тўплами. Улар турли кимёвий реакцияларни ёки биологик жараёнларни соддалаштириб, дастлабки натижаларни олиш учун ишлатилади. Тестлар тўплами одатда турли хил реактивлар, тест полоскалари ёки контейнерлардан иборат бўлиб, маълум бир моддага ёки биологик намунага нисбатан тезкор таҳлилни амалга оширади.[11]

3. Суд-тиббий лабораториялари: мазкур усулда махсус билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни жалб қилган ҳолда экспертиза учун керакли асбоб ва ускуналар ёрдамида намуналар олиш ишлари амалга оширилади.

4. Биологик намуна таҳлили: қон, сийдик ва бошқа биологик намунада моддаларни аниқлаш учун фойдаланилади.[12]

Ушбу усуллар терговчиларга моддаларни аниқлаш, уларнинг миқдори ва пайдо бўлиш манбалари ҳақида тўғри маълумот олиш имконини беради, бу эса жиноятларни фош этишда ва уларни тергов қилишда катта аҳамиятга эга.

Кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда экспертиза ўтказиш муҳим аҳамият касб этади, бунда экспертизанинг турига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Мазкур тоифадаги жиноятларни теров қилишда уларнинг айрим турларидан фойдаланилади.

Жумладан:

1. Кимёвий экспертиза кучли таъсир қилувчи моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлайди, уларнинг гиёҳванд ёки психотроп моддалар тоифасига кириши ёки кирмаслиги текширилади.

2. Суд-токсикологик экспертиза одам организмига модданинг таъсирини ўрганади. Кучли таъсир қилувчи моддалар қон, сийдик, тўқималар каби биологик материаллардан аниқланади.

3. Суд-биологик экспертиза моддаларнинг биологик тўқималардаги изларини аниқлайди ва уларнинг қандай таъсир кўрсатганини ўрганади. Бундай экспертиза қон, тер, соч, тери парчалари каби биологик намуналарда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг бор ёки йўқлигини текширишда муҳим аҳамиятга эга.

4. Дактилоскопик экспертиза моддалар сақланган идишларда ёки моддалар билан боғлиқ жойларда қолган бармоқ изларини аниқлайди. Бармоқ изларини қиёслаш орқали гумондор ёки бошқа шахсларни аниқлаш имконияти яратилади.

5. Суд-психиатрия экспертизаси жиноят содир этган шахснинг ақлий ҳолатини ўрганади. Агар шахс кучли таъсир қилувчи моддаларни қабул қилган бўлса, унинг ақлий ҳолати ва хатти-ҳаракатларига таъсирини аниқлайди.

6. Суд-наркологиya экспертизаси жиноятчи ёки жабрланувчи шахснинг кучли таъсир қилувчи моддаларга боғлиқлиги ва уларни истеъмол қилган ёки қилмаганлигини аниқлайди. Нарколог шифокор томонидан суҳбат ва текширув ўтказилиб, шахснинг гиёҳванд моддаларга бўлган қарамлигини ёки уларнинг таъсирида бўлган-бўлмаганлигини аниқлайди.

7. Суд-молиявий экспертиза моддалар билан боғлиқ ноқонуний молиявий операцияларни ўрганади. Жиноят ишига боғлиқ равишда моддаларни олиш ёки тарқатиш билан боғлиқ молиявий операцияларни, пул айланмалари ва ҳисобларини текшириш орқали далиллар тўпланади.

8. Суд-иқтисодий экспертиза моддалар билан ноқонуний савдо ёки уларнинг тарқатилиши билан боғлиқ иқтисодий таҳдидларни аниқлайди. Тижорат ёки ишлаб чиқариш жараёнларида моддаларнинг қандай ноқонуний тарзда ишлатилганини ўрганиш.

Ушбу экспертизалар кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг барча жиҳатларини чуқур ўрганишга ва адолатли қонуний қарор қабул қилишга ёрдам беради.[14]

Бундан ташқари, гумонланувчини сўроқ қилишда, уларнинг моддаларни қандай олганликлари, сақлаш ва тарқатиш мақсадлари ҳақида маълумот олиш муҳим. Бунда уларнинг ҳужжатлари, телефон суҳбатлари ва бошқа алоқалари ҳам таҳлил қилиниши керак.

Тўпланган барча далиллар яхшилаб таҳлил қилиниши, видео кузатув, электрон маълумотлар ва бошқа ахборот технологиялари воситалари орқали далиллар тўпланишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан шуғулланган шахснинг хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган тегишли модда билан малакалашда бир қатор муҳим омилларга эътибор қаратиш лозим. Бу омиллар шахснинг қонунда белгиланган жинойий ҳаракатлар доирасидаги жавобгарлигини аниқлашда ёрдам беради.

Хусусан, қонунбузарлик турини аниқлаш, яъни кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар турли кўринишларда бўлиши мумкин.

Мисол учун, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёхуд бундай моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ва ҳоказо.

Жиноят кодексида мазкур ҳаракатлар ҳар бири алоҳида ёки биргаликда кўриб чиқилиши мумкин.

Моддаларнинг ноқонуний муомаладаги миқдори жиноятнинг оғирлигига катта таъсир қилади. **Кучли таъсир қилувчи моддалар** қонунчиликда махсус рўйхатлар ва тартиблар асосида белгиланган ва уларнинг миқдорига қараб жазо чоралари турлича бўлади.

Жиноятни квалификация қилишда шахснинг моддалар билан боғлиқ хатти-ҳаракатларининг мақсади ҳам муҳим аҳамиятга эга, айбланувчининг кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ёки ўтказиш мақсадини кўзламасдан ноқонуний муомала қилиш Жиноят кодексининг тегишли равишда 251-1- ёки 251-2-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

Ижтимоий ҳавфли қилмишни иштирокчиликда ёки такрорий содир этганлиги ҳам шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг тегишли моддасининг оғирлаштирувчи қисми билан жавобгарликка тортиш сабаб бўлади.

Агар шахс кучли таъсир қилувчи моддаларни ноқонуний муомаласига бошқа шахсларни жалб қилган бўлса, ёки шахс аввал ҳам кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этган бўлса, бу ҳолатлар жазо чораларини оғирлаштирувчи омил сифатида баҳоланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари тергов органи томонидан исботланиши лозим. Бунда моддаларнинг қандай мақсадда қўлланиши, уларнинг миқдори ва бошқа тегишли фактларга аниқлик киритиш орқали тергов органларига катта масъулият юклайди ва тергов жараёнида қонун бузилишларини олдини олиш учун прокурор назорати талаб этилади.

Бу соҳада прокурор назорати тергов жараёнида қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Прокурор тергов органи томонидан қонуний қоидаларга риоя қилинганлигини назорат қилади, тергов жараёнида юзага келадиган хатоликлар ва қонунбузарликларни бартараф қилиш чораларини кўради. Прокурорлар нафақат жинойий ишни тергов қилиш жараёнида, балки ишнинг судгача босқичида ҳам қатнашиб, тергов ҳаракатларининг қонунийлигини текшириш билан шуғулланадилар.

Назаримизда бу соҳада прокурор назоратини амалга оширишда қуйидаги асосий вазифаларга эътибор қаратиши талаб этилади:

1. **Қонунларга риоя этилишини таъминлаш** - тергов жараёнида барча тергов ҳаракатлари қонун доирасида бажарилишини таъминлаши;
2. **Айбдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** - тергов жараёнида айбдор шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиши;
3. **Тергов жараёнини тезкорлик билан олиб бориш** - ишларнинг ортиқча чўзилмаслиги ва тезкор қарорлар қабул қилиниши учун чоралар кўриши;
4. **Ҳисобот ва текширувларни ўтказиш** - тергов органи томонидан қилинган ишлар бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш ва уларни текшириш.

Бу турдаги жиноятлар кўпинча мураккаб схемали ва тизимли жиноятчилар билан боғлиқ бўлиб, уларни аниқлаш ва исботлаш тергов органига қийинчилик туғдириши мумкин. Шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш

билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда айрим ходимлар томонидан қонунбузарликларга йўл қўйилиши мумкин. Прокурор назорати айнан шундай ҳолатларда ишончилиқни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Прокурорлар тергов жараёнини назорат қилган ҳолда қонунчиликка зид бўлган далиллар ёки материалларни қабул қилиш ёки улардан фойдаланишнинг олдини олиш учун масъулдирлар. Улар тергов жараёнида кўрсатилаётган ҳар қандай далилларнинг қонуний ва асосли бўлишини текшириш билан шуғулланиши талаб этилади. Бу эса судда ишни адолатли ва қонуний кўриб чиқилишини таъминлайди.

Бу эса шахснинг ҳаракатлари мулк дахлсизлиги ёки давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказишининг ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида моддаларни ўғирланишига ёки уларни шахс ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказишининг олди олишга хизмат қилади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг инсон тарихи ва тиббиёт соҳасидаги аҳамияти жуда катта бўлиб, тараққиёт давомида улар тиббий ёрдам ва муолажалар учун ишлатилган. Бирок, вақт ўтиши билан уларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик воситаси сифатидаги роли ортди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳам кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ жиноятларни тартибга солиш учун мунтазам ўзгартириб борилган. Бундай ўзгартиришлар натижасида ушбу соҳадаги жиноятлар учун махсус жавобгарлик белгиланган ҳамда кучайтирилган.

Ушбу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида махсус малакалар зарур, бундай ишларни самарали тергов қилиш учун терговчи кучли таъсир қилувчи моддаларни аниқлаш усулларини ҳамда махсус воситалардан фойдаланишни билиши керак.

Шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишга қарши курашда прокурор назоратининг аҳамияти катта. Прокурор назорати орқали тергов жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноят ишларининг адолатли кўриб чиқилишини таъминлаш ва суд қарорларининг қонунийлигини кафолатлаш имкони яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалага киритилиши халқаро ва миллий қонунчиликда жиддий жиноят сифатида баҳоланиб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилиши, соҳада прокурор назоратини кучайтириш учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш зарурити пайдо бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Я.А.Золотов. «Наркотики: историческая ретроспектива.» - Экономика образования, 2013 - cyberleninka.ru. <https://cyberleninka.ru/article/n/narkotiki-istoricheskaya-retrospektiva>

2. I Региональная научно-практическая стеническая конференция «Профессионал XXI: настоящее будущее». Сборник материалов региональной конференции (г. Томск, 23 -30 января 2020 г.) / Из-во ОГБУДПО «РЦРПК», 2020 – 433 с.

3. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 йилдаги Жиноят кодекси. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=01.04.1995%2000#174455>

4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-671-П-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=29.09.2004>

5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-711-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/5601201>

6. Ўзбекистон Республикасининг 05.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-971-сон Қонуни. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/7131778>

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.11.2021 йилдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли Қарори. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/5754355>

8. Газовая хроматография. https://ru.wikipedia.org/wiki/Газовая_хроматография

9. Жидкостная хроматография. https://ru.wikipedia.org/wiki/Жидкостная_хроматография

10. Масс-спектрометрия. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Масс-спектро-метрия>

11. «Возможные подходы к разработке комплексного индикатора для выявления случаев немедицинского употребления наркотических и лекарственных средств». ВОПРОСЫ НАРКОЛОГИИ. Учредители: Национальный медицинский исследовательский центр психиатрии и наркологии им. В.П.Сербского

12. В.Ю.Владимиров, А.В.Ковалев, И.Н.Горбулинская “Судебная экспертиза наркотиков как инструмент выявления гибридных угроз национальной безопасности”//Наркоконтроль. 2019. № 1. С. 42–48.

13. Суд экспертизаси: кеча ва бугун. Республика илмий амалий конференция материаллари // Масъул муҳаррир: А.У.Халилов. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази. – Тошкент: Республика суд экспертизаси маркази, 2021. – В. 375.